

25619
Ю 2

Абдулла
Жалил



ҲАЁ ГАВҲАРИ



Абдулла ЖАЛИЛ

ҲАЁ ГАВҲАРИ


(Шеърлар)

“Намаған”
нашриёти

Мұхтарам Президентимиз бүтүн бир йилни аёллар
йили деб әзілон қылғанларды мұносабати
бидан ушбу китобимни барча опа-сингил-
ларимизга зүр хурмат ва әхтиром
бидан бағишлийман.

“Түркистон - умумий үйимиз” халқаро танлови маҳсус мукофоти соҳиби, истеъдодли шоир, публицист Абдулла Жалилнинг номи халқимизга яхши маълум. Унинг “Қуёшга мактуб” (1990), “Уйғоқ руҳлар” (1992), “Бўҳтон ва ҳақиқат” (1993), “Ўтаётган кун” (1994), “Тўққизинчи салб юриш” (1995), “Ватаним онам” (1996), “Шамшод япроқлари” (1997) номли китоблари нашр этилган. Ушбу тўпламга аввалги китобларида эзлон қилинмаган янги шеърлари жамланган. Уларда куюнчак бир инсон қалбидаги ватанпарварлик, халқпарварлик туйғулари балқиб туради. Абдулла Жалил ҳозир Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Намангандан вилояти бўлимининг маъсул котиби бўлиб хизмат қилмоқда.

91-296,75-266.850
НР ——————
92-03-(09)-99



Давлатим



Кўзларимнинг
қорачиги ўзингсан,
Танамдаги куч,
мадорим Давлатим...

ДАВЛАТИМ

ҚАСИДА

Жонажоним, меҳрибоним Давлатим,
Бошимдаги соябоним Давлатим.
Бир юз ўттиз йил күтилган орзиқиб,
Рўёб бўлган зўр армоним Давлатим.

Кадим туркий эллар, Билга ҳоқондан,
Донишманд Култегин, Элтаришондан,
Она ер бешити кўхна Турундан,
Менга қолган бир ёдгорим Давлатим.

Ўрхун Энасойнинг ёзувларида,
Кўхна Афросиёб қазувларида
Топилган нақшлар чизувларида,
Пинхон турган сир-асрорим Давлатим.

Ўн олти бор буюк давлат қўрибсан,
Бир юз эллик бора ҳукм сурибсан.
Тарихингда беш минг йилни қўрибсан,
Тахтим, баҳтим, пойидорим Давлатим.

Тождорлари ҳоқон, султон, амир, ҳон,
Бири Амир Темур соҳиби қирон.
Бари қучмиш бу дунёдо шуҳрат, шон,
Тожлар ичра энг номдорим Давлатим.

Сен ҳамиша навқиронсан, ёшдирсан,
Аммо буюк, улут элга бошдирсан.

Азиз юртга панох, күзу қошдирсан,
Тұрт фасли гул, нағбақорим Давлатим.

Ишонганим, сұянчигим үзингсан,
Юрагимнің үти, чүги үзингсан.
Күзларимнің қорачиги үзингсан,
Танамдаги күч, мадорим Давлатим.

Бошимизга құнған ҳұмо қүшдирсан,
Үзінг бізга құдрат, ақл, хүшдирсан.
Душманларнің бошларига мүштдирсан,
Хар бир ишда чин қарорим Давлатим.

Давлат десам, дилда меҳрим жүш урап,
Илқом парилари келиб түш урап.
Вужудимда гурур, фахрим жүш урап,
Фикрим, зикрим, әътиборим Давлатим.

Бүй таратиб раҳм, шафқат гулидан,
Юриб боқий маърифатнің йүлидан,
Маҳкам тутғин адолатнің құлидан,
Сендан менинг үтінч, зорим Давлатим.

Зёрлик, зулм илдизларин қурытгин,
Золимларнің пешонасін шүр этгін.
Босқинчиннің күзларини күр этгін,
Адолатли на жокорим Давлатим.

Оилага баҳту иқбол тилаган,
Хар инсонга ривож, камол тилаган,
Бева-бечоралар бошин силаган,
Фуқарога мададкорим Давлатим.

Байрогингда уч ранг бордир муқаддас,
Хаво ранги багринг кенглигига мос.
Оқ ранг поклик, яшил Исломга пайваст,
Имонимсан, нөмус, орим Давлатим.

Боболарнинг руҳини шод айлаган,
Буюкларнинг номларин ёд айлаган.
Кўнгиллар мулкини обод айлаган,
Эзгуликка меҳри борим Давлатим.

Қўшин кучли бўлсин, аскар қувватли,
Зобитлари Гўрўғлидек келбатли.
Сардорлари Бобур каби шавкатли,
Балолардан халоскорим Давлатим.

Замин борки, сен абадий турарсан,
Авлодларнинг баҳт-иқболин кўрарсан.
Мангу гуллаб, яшнаб, қулф урарсан,
Мангуликка дахлдорим Давлатим.

Юртбошим бор, танти, ўқтам, донишманд,
Доимо эл ташвиш, ғами билан банд.
Нияти пок, назари тогдек баланд,
Юртбошидан баҳти борим Давлатим.

Умрим борки мадхинг куйлаб ўтарман,
Ривожингни тилаб, ўйлаб ўтарман.
Зафорларнинг элга сўйлаб ўтарман,
Қўлда созим, янгроқ торим Давлатим.

Эркин, озод, Ўзбекистон Давлати -
Қадим, буюк Турон замин савлати.

Шон-шүхратга энг бойу бадавлати,
Давлатимсан, давлатимсан, Давлатим.

Улуг номинг ардоқлайди Жалилий,
Бу қасидам мухаббатнинг далили.
Дунёвий зўр давлат бўларсан ҳали,
Сенга тухфа бу ашъорим Давлатим.

1998.



ЮРТБОШИМ

Ўзбегимнинг баҳтига
худо берган юртбошим,
Ўзбекистон таҳтига
хўмо бўлган юртбошим.
Тиклаб Темур давлатин,
мустақиллик шавкатин,
Истиқлолга куч, қувват,
зиё бўлган юртбошим.
Сўзлари худди ҳадис,
ўқтам, самимий, холис,
Она тилим ҳуснига
жило бўлган юртбошим.
Тузиб миллий армия,
бериб ҳарбий тарбия,
Кўхна Турон заминга
пано бўлган юртбошим.
Мард, жасур, танти, ўқтам,
химматда худди Хотам.
Жалил дер, элга мөхри
гиё бўлган юртбошим.

1998.

ЎЗБЕК ТИЛИ

МУВАШШАХ

1

Ўзбеклар ўзлигин таниди бугун,
Жаҳонга юз тутди ҳур Ўзбекистон.
Эркин ва озодмиз, баҳтимиз бутун,
Мустақиллигимизни тан олди жаҳон.

2

Замон бизга бокди, кулди баҳтимиз,
Истиклол байроби хилпирад қўлда.
Тинчлик шаҳри бўлди пойи таҳтимиз,
Адолат бор бизлар танлаган йўлда.

3

Буюк бир давлатни бунёд этамиш,
Соҳибқирон Темур дастури асос.
Илм чўққиларин тез забт этамиш,
Беруний, Фаробий боболарга хос.

4

Елиб югурдамиш, билмаймиз тиним,
Ғайрат камарини боғлаймиз белга.
Ўқиб бизлар бир кун бўлурмиз олим,
Чин юракдан хизмат қилурмиз элга.

5

Келажакни ақл, олий бир идрок-
Билан яратувчи бизнинг ўзимиз.
Максадимиз улуг, ниятимиз пок,
Қўёшдек иссиқдир юзу кўзимиз.

6

Тил халқни халқ, миллотни миллат қилур,
Тил - бу халқнинг юзи, кўзи, қиёфаси.
Она тилин кадрини чин инсон билур,
Она тили - Она ернинг хуш нафаси.

7

Имкон борки она тилни асраш керак,
Она тилим - ифтихорим, шоним менинг.
Ўз тилингни ширин жондек севгин юрак,
Ўзбек тили-ўзбек деган номим менинг.

8

Лутф айламиш Аллоҳ бизга бир тил бериб,
Сўзлашмоқлик буюк қудрат инсон учун.
Сўз сўзласанг, сўзла гўзал сўзлар териб,
Сарф этмагин бехуддага сўзнинг кучин.

9

Инсон борки ўз тилини улуглайди,
Она тилда улугланар суюк Ватан.
Ўзбек тили ўзбекларга энг улуг тил,
Ўзбекистон бизларга энг буюк Ватан.

13-15 октябрь, 1998.

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ТАЛАБАЛАРИ ШЕЪРЛАРИ

1 ТАҚДИМОТ

Бүгун тарихий кундир, шодлик сигмас юракка,
Академик лицейнинг бўлар тақдимномаси.
Заррин олтин ҳарф билан ёзилар зар варакка
Наманган вилоятин зўр бир мактубномаси.

Азизлар, хуш келибсиз, бу муқаддас даргохга,
Биз бу бахта эришдик мустақиллик туфайли.
Хуш келибсиз, дур тўла илм қайнар булоққа,
Истиқлол шарофати, шудир замона зайли.

Озод Ватан багрида бизлар иқболга ёрмиз,
Пухта билим олмоққа қилмоқдамиз ҳаракат.
Лицей учун биз ёшлор давлатдан миннатдормиз,
Фармон чикарган буюк юртбошимга минг раҳмат!

2 АССАЛОМ, ЛИЦЕЙ !

Ассалом, қадрдон академ лицей,
Ассалом жонажон билим даргоҳи!
Сени биз юракдан севиб қолдигей,
Остонангга қадам қўйган заҳоти.

Үзлуксиз ўқиймиз чарчамай, толмай,
Ўзлаштириб барча дастурларингни.

Бир күн, бир соат ҳам дарслардан колмай,
Забт этиб илму фан чўққиларингни.

Буюк боболарнинг гурури дилда,
Ишончла борамиз келажак сари.
Озодлик, адолат дастури дилда,
Бизни қўлламоқда олам сарвари.

Мустакил мамлакат болаларимиз,
Биз бир шахс бўламиз, энг комил инсон.
Биздан шуни кутиб турар онамиз,
Келажаги буюк хур Ўзбекистон !

3

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВГА

Лицей, колледжларнинг ташаббускори,
Ёшларнинг гамхўри, улуг бир инсон.
Донишманд юртбошим, халқим сардори.
Ислом Каримовга бўлсин шараф-шон !

Бизлар ўқиб жаҳон андозасида,
Илм уммонидан дурлор терамиз.
Президентга лицей остонасида,
Аъло ўқиймиз деб ваъда берамиз !

1998, сентябрь.

ЭРКА ВИЛОЯТ

Мустақил юртимнинг кўрки вилоят,
Истиқлол таянчи, эрки вилоят,
Бош узро ёғилсин нури ҳидоят,
Наманган - бу Наманган, эрка вилоят.

Шу ерда тугилмиш Мирзо Бобур ҳам,
Қаранг, хиёбонда ўлтирур ўқтам,
Шоҳи Машраб руҳи кезмоқда хуррам,
Наманган - бу Наманган, эрка вилоят.

Жаннатмакон боғлар очмоқда чирой,
Мармар дарвозага ҳавас қилас ой,
Ҳуснин кўз-кўз этар мұхташам сарой,
Наманган - бу Наманган, эрка вилоят.

Қамчик довонлари баланд, пурвикор,
Карвонлар келмоқда қатор ва қатор,
Тоғ ости йўллари сирли, улугвор,
Наманган - бу Наманган, эрка вилоят.

Наманганнинг гўзал "Паҳлавон"и бор,
Бозорлар бозори ўз "Жаҳон"и бор,
Дунёга тараалган шуҳрат-шони бор,
Наманган - бу Наманган, эрка вилоят.

1998.

ДАРВОЗА

Сўлим, жаннатмакон Бобур богида
Қад ростлади гўзал рамзий дарвоза.
Унинг лойиҳасин чизмоқ чогида
Меъморлар олмишлар Рўмдан андоза.

Исфохон даҳасин ўстида туриб,
Мармар дарвозага ҳавас қилар ой.
Ранго-ранг чироклар шуъласин кўриб,
Шаҳрим кучогига ёғдирар чирой.


Дарвозага туташ қадимий йўллар,
Буюк ипак йўли шу ердан ўтган.
Кўхна Сардобада карвонлар тўхтаб,
Чанқоғин қондириб Ахсига кетган.

Бахт, иқбол, келажак дарвозадир бу,
Ундан кириб келар омад карвони.
Давлат ёғиларажак дарвозадир бу,
Ундан ўтганларнинг йўқдир армони.

У асло ёпилмас, меҳмонга муштоқ,
Одамларга меҳри сочиқ дарвоза.
Наманганликларнинг қалби мисол оқ,
Меҳмонга ҳамиша очиқ дарвоза.

1998.

ИСТИҚЛОЛ ОНИНГ КЕЛДИ



Истиқлол онинг келди,
қаддингни күттар халқим,
Озод замонинг келди,
қаддингни күттар халқим.

ҚАДДИНГНИ КҮТАР ХАЛҚИМ


Истиқлол онинг келди,
қаддингни күтар халқим,
Озод замонинг келди,
қаддингни күтар ҳалқим.
Кишанларни әнди еч,
хүшёр турғин эрта-кеч,
Игвога учмагин ҳеч,
қаддингни күтар халқим.
Қуриб мустақил давлат,
эркин яша бадавлат,
Оlam узра донг тарат,
қаддингни күтар халқим.
Титроқ билак билакмас,
күркөк юрак юракмас,
Тұтқун халқ бу халқ әмас,
қаддингни күтар халқим.
Дардларингни олайин,
ғамингни күтарайин,
Сен учүң жон берайин,
қаддингни күтар халқим.
Бошимни шаънинг учүн
кундага қўйдим бутун,
Жалил, эгилма бу кун,
қаддингни күтар халқим.

1991.

БЕДОРЛИГИМ

Гафлат ичра қолмадим ҳеч,
бедорлигим боиси бу,
Курашлардан толмадим ҳеч,
бедорлигим боиси бу.
Чүчимадим машакқатдан,
дүшмандан, зиён-захматдан,
Баҳра олдим хакикатдан,
бедорлигим боиси бу.
Бүгүндән ҳеч қолмас ишим,
эрталик янги ташвишим,
Лоқайдликка йўқдир ҳушим,
бедорлигим боиси бу.
Келдим фарогатдан кечиб,
уйқу-ҳаловотдан кечиб,
Мақсад деб роҳатдан кениб,
бедорлигим боиси бу.
Вақтдан ютиш орзусида,
ишни босдим уйқусида,
Шодман, умр кўзгусида,
бедорлигим боиси бу.
Юрдим илгари бир қадар,
чиқди ишларимдан самар,
Бўлди гувоҳ бунга қамар,
бедорлигим боиси бу.
Эй Жалилмий бедордирман,
бедорманки ҳушёрдирман,
Шундан иқболга ёрдирман,
бедорлигим боиси бу.

1998.



КЕЛИБСИЗ

Хүн олгани яна,
хүнхор келибсиз,
Дил қонига ташна,
хүмөр келибсиз.
Вайрон этибон ишк,
қасрин эй санам,
Бизларни этгали
тор-мор келибсиз.
Каҳру газабингиз
қаттигу дилдор,
Ажабки яна
мафтуңкор келибсиз.
Үзингизни асрәб
ёмон күзлардан,
Ичингиздан тақиб
тумор, келибсиз.
Майли Жалилийга
зулм қылсангиз,
Агарчи, қошига
такрор келибсиз.

1995.

ДИЛОРОМ АЙЛАБ

Сизни санам яратибдур
дилором айлаб,
Бизни эса яратибдур
сизге ром айлаб.

Сизни шундай яратганинг
Узине шукро
Аммо бизни яратибдур
Беором айлаб.
Ором йўқдур дилдор,
Сизни кўргандан буён,
Шомларимизни тонг айлаб,
Тонгни шом айлаб.
Тоқат йўқдур сизни ўйлаб,
Хар дам, хар лоҳза,
Исмингизни такрор, такрор,
Минг қалом айлаб.
Нечса марта сабслардан
Еткурдик нома,
Сизга севги, муҳаббатдан
Эҳтиром айлаб.
Айтинг қачон биз тарафга
Келурсиз жоним,
Жалилийнинг ҳузурида бир
Салом айлаб.

1995.

МАНФААТ БЎЛСА

Бир одам бор жуда илдам,
Шахсий иш, манфаат бўлса,
Ўзин ташлайди томдан ҳам
Шахсий иш, манфаат бўлса.
Оёгининг бир гўрда,
Бири луқма кутиб тўрда,
Ўргимчакдек ёшар хар дам
Шахсий иш, манфаат бўлса.

Игводан ҳам үяпмайдир,
үзин аспа тиелмайдир.
Шайтонға улғату ҳомдам
шахсий иш, манфаат бўлса.
Калин айлади ўбетни,
таги бет айлабон этни,
Турланур кунда бу одам
шахсий иш, манфаат бўлса.
Кўринса үнга бир соҳиб,
амалдор сўзлари вожиб,
Ялар оёгини лайчам
шахсий иш, манфаат бўлса.
Кўрсатиб ўзин ул доно,
бўлиб гўё бир фузало,
Башорат ҳам килур кам-кам,
шахсий иш, манфаат бўлса.
Юзма юз доимо ўқтам,
безарар, беозор, одам,
Орқангдан тиг урар ошнам
шахсий иш, манфаат бўлса.
Эй Жалилий, бўл хотиржам,
унга ёлгиз худо ҳакам,
Ўчар у хотирянгдан ҳам
шахсий иш, манфаат бўлса.

1996.

ЭЛ ДАРДИНИ ҲИС ҚИЛМАСА

Элу юрт деб бир иш қилиш
гар кўлингдан келмаса,
Кўлидан келганни қўлла,
майли хеч ким билмаса.

Эл тамида кон ютиб
юрган киши кадрини бил,
Одам хеч одам бўлурму,
эл дардини ҳис қилмаса.

Ҳакиқат излаганларнинг
бўлмагин йўлида гов,
Ҳакни ҳакка ажратур ким,
ҳакиқатгўй бўлмаса.

Дур-жавохир ўз-ўзидан
сув юзига чиқдиму,
Ғаввослар шаҳд бирла шўнгиди,
гар тубидан олмаса.

Элга ҳудбин, дунёпараст
зотлардан хеч борму наф,
Уйқуси келмас сира
элдан ҳар кун бир юлмаса.

Баъзи гофил бандалар -
пул, амал ишратнинг қули,
Эл учун бир чўпни олмас,
элдан олдин "олмаса".

Жалилий, қад тикламас эл,
хеч ривож топмас ватан,
Элу юрт деб барча тенгдан
гар югуриб елмаса.

ХАЁЛ

Күнгил қүшим тайёрадир,
тойёрада үчган ҳаёл.
Бир лахзада сайёрадан
сайёрага күчган ҳаёл.
Ҳаёл суриб юрган күйим,
худуд билмас фикру ўйим,
Таткик этиб олам үйин,
янги дунё очган ҳаёл.
Гоҳ дилда бир дам ярк этиб,
ёдим аро ширин ўтиб.
Гоҳ изласам илҳак этиб,
хотирамдан қочган ҳаёл.
Гоҳиғамгин, гоҳи шодон,
гоҳи мамнүн, гоҳи нолон,
Гоҳ ўксиниб, қилиб армон
баҳту иқбол қүчган ҳаёл.
Баъзан яхши, баъзан ёмон,
ҳаёлларга борар инсон,
Яхшиликдан олам жаҳон,
түгунларни ечган ҳаёл.
Эй Жалилий, покдил одоға,
ҳаёллари мисли шабнам,
Гўзал ва пок бўлсин ҳар дам,
ҳаёлингдан кечган ҳаёл.

1998.

ОЙДИН КЕЧА

Сутдек оппок, ёп-ёргудир,
дилдор бу күн ойдин кеча,
Бўлганмикин ҳеч замон бир,
багри бутун ойдин кеча.
Кимдир гамгин, юлдуз саноб,
кўнгли ярим баҳтина тираб,
Ким эса ёр зулфин силаб,
бедор бу түн ойдин кеча.
Түн гўзал ул ойни қучар,
чури зиёсини ичар,
Багри кўйиб юлдуз учар,
ҳоли нигун ойдин кеча.
Ойдин қилиб тунлари ой,
ёрга бўлиб рамзи чирой,
Аммо ўзининг қадди ёй,
багри куқун ойдин кеча.
Эй Жалилий, бўлди ойдин,
куп сир-асрор тўлган ойдин,
Шундан бу тун бўлди ойдин,
ой ҳам бутун ойдин кеча.

1998.

КЎРАРМИЗ

Кўп ёмонлик қилдинг охир
ўзингни ҳолинг кўрамиз,
Қилмишларинг жуда оғир,
олған жазоинг кўрамиз

Яхшиларға иевөт фасод
бирла күг бердинг азоб,
Бир күн бўлиб якка мохов,
тортган азобинг кўрармиз.
Сен ўзингга қўйдинг бино,
ўз наздингда бўлдинг худо,
Амалингдан бўлгач жудо,
сумбат, суробинг кўрармиз.
Ишинг бўлди риёкорлик,
кўшмачилик, зинокорлик,
Таъмагирлик ва гаддорлик,
бир күн заволинг кўрармиз.
Эй Жалилий, кимки ноҳақ
жафо қилса жазо бархак,
Сен хак ўйсан чикибсан хак,
энди камолинг кўрармиз.

1998.

НАФИС, НАФИС...

Гул баргидек дудоқлар
нафис, нафис,
Ақиқ, оппоқ томоқлар
нафис, нафис.
Очилмаган қизил гул
гунчасидек,
Кирмиз лаблар - япроқлар
нафис, нафис.
Қарасангиз қош, кўзи
кўйдиради,

Ойдек бодом кобоклар
нафис, нафис.
Нафис комат, нафис
хүснү латофат.
Назокатли нигохлар
нафис, нафис.
Жонга титроқ тушди
тегиб кетганда,
Хиноланган бармоқлар
нафис, нафис.
Нафис газал битмиш
сизга Жалилий,
Армонлидур бу чоклар
нафис, нафис...

1998.

ИНСОН ГҮЗАЛ

Ер юзида ҳазрати
инсон іўзал, инсон гўзал,
Инсон дилида нури,
иймон гўзал, иймон гўзал.
Иймон билан бир андоҳа
кавсар сувиде я тоза,
Тонг елидек покиза
виждан гўзал, виждан гўзал.
Виждан надир англатган,
иймон нури таратган,
Бизга худо яратган
имкон гўзал, имкон гўзал.

Рұхларни шод этмок учун.
дұстни ёд этмок учун,
Химмат билан килингән
эхсон гүзәл, эхсон гүзәл.
Жалилий, эхсон дедим,
инсон билан иймен дедим.
Бу сүзларни ўргатған
Куръон гүзәл, Куръон гүзәл.

1998.

ЭЙ, ДҮСТ

Биз оддий бир заррадурмиз,
сиз нури жаҳон, эй дүст,
Биз денгиздан қатрадурмиз,
сиз буюк уммон, эй дүст!
Биз оёқ остида ермиз,
боссангиз шукронадермиз,
Барча эл пойидаудурмиз,
сиз баланд осмөн, эй дүст!
Сиз ажыб бир хуш табиат,
хуш одамсиз, хуш сурат,
Биз алаф, янтоқ сифат,
сиз гулу райхон, эй дүст!
Биз мисол тупроқ эрурмиз,
сиз юксак тог эрурсиз,
Биз ердаги бөг эрурмиз,
сиз жаннат макон, эй дүст!

Жалилий, комил одам,
одми бўлур зўр бўлса ҳам,
Сиз коби бўлмок бу дам,
бизга бир ормон, эй дўст!

1998

ҚАРЗ ЭТМИШ

Андишасиз одам дил шишасин
дарз этмиш, дарз этмиш,
Рухи жоним қийналиб
кўкларга арз этмиш, арз этмиш.
Килмишидан оғриниб, дил
там чекиб турсам яна ул зот,
Панду насиҳат айлабон
менга вазъ этмиш, вазъ этмиш.
Ёмонларга феълу бадликни
бир жазо қилган эгам,
Яхшиларга ҳұш табиатликни
қарз этмиш, қарз этмиш.
Шу боис минг бора ўйлаб,
сўнгра бир гапни айтмоқни,
Ҳар бир бандай мўминга
ҳаёт фарз этмиш, фарз этмиш.
Бажо айлай, деб Жалилий
бу фарзни кечаю кундуз,
Ҳадислардан кўнгил олмоқни
дарс этмиш, дарс этмиш.

1998.

ҚИЙИН

Хасадгүй одамга қийин,
ичи тұлағамға қийин,
Юрагига құрум тұлиб.
кеттін үл "ошнам"ға қийин.
Ютуғингдан азоб чекар,
сенго қабр қазиб чиқар,
Үз этини гажиб чиқар.
борлиғи мотамға қийин.
Борлигингни күролмайды,
бир бурда нон беролмайды,
Еталаб ҳам юролмайды,
фөзли бад мұбхамға қийин.
Үзгаларни иғво қилур,
хар жойда үғавго қилур,
Иймөнини савдо қилур,
үл чало мұлламға қийин.
Эй Жалилий, топғил шу дам,
хавас дорисидан малхам,
Тұзатғил бу беморни ҳам,
аммо шу малхамға қийин.

1998.

АЖРАМА

Илк бор кўз очиб кўрган
нигорингдан ажрама,
Севишиб турмуш қурган
гул ёрингдан ажрама.
Умид билан қўйибсан
бир ёстиқка бошингни,
Ўшал қадрдон ёстиқ
курогингдан ажрама.
Аччиқ қилиб бургага
кўрпа-тўшак кўйдирма,
Бола-чақа, оиласнг,
рўзгорингдан ажрама.
Эру хотин уриши
дока рўмол қуриши,
Уришганда ажратмос
туморингдан ажрама.
Кўча-кўйда кўзлари
хўморлар кўпdir, бори
Ўтоворсин, уйдаги
хўморингдан ажрама.
Чумолининг уий ҳам
бузилмасин, Жалилий,
Муқаддос аҳду паймон,
қарорингдан ажрама.

1998.

СИНГЛИМ

Доимо ой юзингда
табассум күрай синглим,
Кече - күндүз Аллохдан
сенго бохт сүрай синглим.
Борму сендең меҳрибон
бу дүнёда бирор жон,
Онаңдек бошга хар он
күтариб юрай синглим.
Күзингда нам күрмайин,
юзингда гам күрмайин,
Бошиңгни хам күрмайин,
дардинг күтәрай синглим.
Меҳр тууб жонингда,
ака деган онингда,
Суянч бўлиб ёнингда,
тоглардек турай синглим.
Кўргим келиб ўзингни,
согингандада сўзингни,
Кириб келсанг изингни
кўзимга сурай синглим.
Сўзинг ўхшайди дурга,
ўзинг ўхшайсан ҳурга,
Оламдаги бор нурга,
мен сени ўрай синглим.
Эй Жалилий, пок дилни,
тухфаси деб кўнгилни,
Дунёдаги бор гулни
сен учун терай синглим

1993.

АЗАЛ

Бандасини ўз нафсига
банди қилиб қўймиш азал,
Ҳар бир тилак, орзусига
банди қилиб қўймиш азал.
Кўйсаким дунёга кўнгил,
бўлса унинг туммори пул,
Ул зотни айлаб пулга қул,
банди қилиб қўймиш азал.
Кимки амал истаб, амал
қальасини қилса қамал,
Амал бериб унга тугал,
банди қилиб қўймиш азал.
Ким айшу ишрат излади,
доимроҳатни кўзлоди,
Бир дардга, сўнг ул бўзлоди,
банди қилиб қўймиш азал.
Эй Жалилий, сен фақат зор,
хак, жамолин истадинг. ёр-
Зулфин айлаб, шул сабаб дор,
банди қилиб қўймиш азал.


1998.

ДИЛДОРРОҚ

Бормиқин оламда дилдор,
сиздан сулув, дилдорроқ,
Сизга дилдор бормиқин ёр,
биздан ҳам зору зорроқ.
Айтдилар бўлманг овора,
ул санам хуштори кўп,
Бормиқин хушторларингиз,
ичра биздан хушторроқ.
Не бўлибди ошиқ аҳли
ичра Мажнун севгиси,
Ҳеч қачон бўлганми Мажнун
бизданам ҳам бедорроқ.
Дебсиз үмид килмасинлар.
лек озор чекмасинлар,
Бормиқин озорлар ичра
озор бундан озорроқ.
Эй Жалилий, маъшуқалар
ошиқларин хор этмасин,
Йўқса бўлмас ким анингдек,
хорлар ичинда хорроқ.

1994.

ТУРКИСТОН ҚҰШИҒИ



Күркли, қутлуг номи бордир
бу юртнинг,
Беш минг йиллик шони

бордир бу юртнинг...

ЎЙНА, ҚУВОН, ЭЙ ДИЛ!

Ўйна, қувон, эй дил, Ватан озод бўлди,
Биз ҳам озод бўлдик,
Ўйна, қувон, эй дил, Ватан обод бўлди,
Биз ҳам обод бўлдик.
Ўйна қувон, эй дил, Ватаннинг тонги отди,
Миллатни ҳам уйғотди,
Ўйна, қувон, эй дил, Ватан кишанни отди,
Биз ҳам кишанни отдик...

1991.

ТУРКИСТОН

Энг қадимги бир макондир бу макон,
Энг муқаддас ошиёндир бу макон,
Томирларда оқкан қондир бу макон,
Тан қалъаси ичра жондир бу макон,
Туркистондир, Туркистондир, Туркистон !

Кўркли, кутлуг номи бордир бу юртнинг,
Беш минг йиллик шони бордир бўюртнинг,
Бугдой, ундан нони бордир бу юртнинг,
Тан қалъаси ичра жондир бу макон,
Туркистондир, Туркистондир, Туркистон !

Ғўрўғлибек, Алномишнинг бешиги,
Кўхна Ӯзган, Боласоғун эшиги,
Юсуф Ҳос Ҳожиблар айтган қўшиги,
Тан қалъаси ичра жондир бу макон,
Туркистондир, Туркистондир, Туркистон !

Эли күхна, элларнинг бош бўгини,
Йигинлари Кул Тегинлар йигини,
Битиклари Ўрхун, Унгин битиги,
Тан қальаси ичра жондир бу макон,
Туркистондир, Туркистондир, Туркистон !

Уругларин саноги йўқ, катта эл,
Қозоқ, қирғиз, озор, туркман, Чамбипбел,
Бир-биридан улуг, буюк, хилма-хил,
Тан қальаси ичра жондир бу макон,
Туркистондир, Туркистондир, Туркистон !

Бу тупрокнинг минг-минг йиллик сири бор,
Ўгиз сирин ҳеч очилмас ери бор,
"Қуёшли ер" олови бор, нури бор,
Тан қальаси ичра жондир бу макон,
Туркистондир, Туркистондир, Туркистон !

1995.

ТУРКИСТОННИНГ ТУГИЛМАГАН ҮГИЛЛАРИ

Хатто сизнинг борингиздан қўрқишади
Туркистоннинг тугилмаган ўгиллари.
Онангизнинг соясидан ҳуркишади
Туркистоннинг тугилмаган ўгиллари.

Онангизни тугмагин деб алдашади,
Туголмайсан, қонинг кам деб аврашади.
Қоринда ҳам сизга тухмат қилишади,
Туркистоннинг тугилмаган ўгиллари.

Түгилмасдан Ватан учун ўтмоқдасиз,
Түгилмасдан жонни фидо этмоқдасиз.
Түгилмасдан туриб шаҳид кетмоқдасиз,
Туркистоннинг түгилмаган ўғиллари.

Сизлар учун онангизга кўпdir савол,
Сизлар учун топилмайди тўлгоқ укол.
Тугилсангиз кимларгадир келар малол,
Туркистоннинг түгилмаган ўғиллари.

Йичингизда балки бордир Амир Темур,
Йичингизда чиқар яна битта Бобур.
Қай бирингиз Алишерсиз ким ҳам билур,
Туркистоннинг түгилмаган ўғиллари.

Сиз барибир Алномишдек түгиласиз,
Тугилибок Туркистонга тұғ иласиз.
Сиз ўзингиз юрtingизга бек бўласиз,
Туркистоннинг түгилмаган ўғиллари.

1990.

ҚОЗОГИМ

Еrimiz бир, элимиз бир, тилимиз бир бизларнинг,
Динимиз бир, дилимиз бир, қалбимиз бир бизларнинг,
Келажакда йўлимиз бир, қўлимиз бир бизларнинг,
Истиқлолинг муборак ҳей, қаро қўзим, қозогим,
Эй сен менинг тугишганим, қозогим, ҳей қозозим!

Ҳар бир ўзбек қозоқларни ўзига билар ўздек,
Қозоқ қошу ўзбеклар кўз, ўзбек қош, қозоқ кўздек,
Икки жондош-қариндош эл, осмонда бир юлдуздек,
Истиқлолинг муборак ҳей, қаро кўзим, қозогим,
Эй сен менинг тугишганим, қозогим, ҳей қозогим!

Абай айтган ўланларда ўзбекнинг ҳам дарди бор,
Ўлмас чеккан фигонларда оролнинг ҳам гарди бор.
Алл лаганда қозоқларнинг Ҳожи Муқон марди бор,
Истиқлолиңг муборак ҳей, қаро кўзим, қозогим,
Эй сен менинг тугишганим, қозогим, ҳей қозогим!

Йўлбошчилар янги, янги ипак йўлин очмоқда,
Йўлларимизга истиқлол нурларини сочмоқда.
Истибоддинг шарпалари чекинмоқда, қочмоқда,
Истиқлолинг муборак, ҳей қаро кўзим қозогим.
Эй сен менинг тугишганим, қозогим, ҳей қозогим!

Козогистон озод, эркин деган сўз дунё кезар,
Мустақиллик, эрк, истиқлол сўзи сўзларни безар.
Назарбойнинг ўғли Нурга замона қилди назар,
Истиқлолинг муборак ҳей, қаро кўзим, қозогим,
Эй сен менинг тугишганим, қозогим, ҳей қозогим!

Севиб, суюб ўхшасин деб қозоқдек оғасига,
Қозоқбой деб ном қўймиш ўзбек ўз боласига.
Меҳримизнинг рамзи ўхшар тогнинг ол лоласига,
Истиқлолинг муборак ҳей, қаро кўзим, қозогим,
Эй сен менинг тугишганим, қозогим, ҳей қозогим!

Тонглар каби күнгли оқдир оғажоним қозоқнинг,
Булоқлардек қалби поқдир оғажоним қозоқнинг.
Багри бөгдир, күкси тоғдир, оғажоним қозоқнинг,
Истиқолинг муборак ҳей, қаро күзим, қозогим,
Эй сен менинг тугишганим, қозогим, ҳей қозогим!

1994.

ҚИРГИЗ ҚИЗИГА

-ҳазил-

Эй сулув қиз, кийик күзли,
Еноқлари қирмиз қиз.
Юрагимга солдинг тулу,
Шириң сүзли қирғиз қиз.

Юрмен билан охугинам,
Наманганга обкетаман.
Гар йүк десанг Олойгача
Ортингдан ҳам етаман.

Дилимиз бир, тилимиз бир,
Динимиз бир фариштам.
Хозир бизнинг Наманганда
Битта қирғиз келин кам.

Рози бўлсанг, мұхаббатнинг
Майига бир тұямыз.
Худо берса ўғлимизга
Кирғизбой от құямыз.

Бишкек.

СОГУНИЙ

1

Бешбаликдир құхна тарих қүшиги,
Боласогун - Турон замин бешиги.
Қайда, излаб ота макон эшиги,
Бу дунёга келди бўзлаб Согуний.

Боласогун ҳар кун қилиб нолани,
Кеча-кундуз тилар эди болани,
Тўлғок тутиб бир кун улуг онани,
Бу дунёга келди бўзлаб Согуний.

Боласогун Согунийга зор эди,
Согунийсиз қутлуғ ери хор эди.
Яратгандан сўраб интизор эди,
Бу дунёга келди бўзлаб Согуний.

Боласогун қонла зардоб ютарди,
Ичидан ғам, қайгу алам ўтарди.
Азоб ичра мард ўглини кутарди,
Бу дунёга келди бўзлаб Согуний.

2

Кетар бўлдим мен энди,
Менга алам ёр бўлди.
Она юртим Туркистон
Менга энди тор бўлди.

Кетар бўлдим юртимдан,
Юрак- багрим тўла қон.

Қолмакдадур ортимда
Ота макон Туркистон.

Қолмакдадур Туркистон -
Түрк элининг бешиги.
Кетмоқдаман зор йиглаб,
Ёпик юртим эшиги.

3

Қайтиб оқар яна, бир оққан дарё,
Бир юрган йўллардан яна ўтармиз.
Бир кун бизга боқар яна бу дунё,
Эркин, озод бўлган кунни кутармиз.

Бир кун яна келиб, тошади Хазар,*
Туркийлар уйгониб қудрати жўшар,
Туркистон шавкати ошгандан ошар,
Эркин, озод бўлган кунни кутармиз.

Истибдод қальаси бир кун бузилар,
Кишанлар, занжирлар яна үзилар,
Пароконда эллар сафга тизилар
Эркин, озод бўлган кунни кутармиз.

4

Боласогун шаҳри кўхна, улуғдир,
Қадим номи унинг Моқулбалиқдир,
Бир шаҳарки кутлуг, эслагулиқдир,
Ўнитилган азиз Ватанни эсланг.

* Каспий денгизи.

Түрк бешиги уйгур, ўгуз элини,
Түркий элнинг қадим ширин тилини,
Боболарнинг босиб ўтган йўлини,
Унтилган азиз Ватанни эсланг.

Ким Ватанни айтинг, эсдан чиқарди,
Жаҳолатда шонни эсдан чиқарди,
Нега Туркистонни эсдан чиқарди,
Унтилган азиз Ватанни эсланг.

Мен шу улуг юртнинг фарзандидурман,
Буюк, катта халқнинг дилбандидурман,
Темурийларга мен пайвандидурман,
Унтилган азиз Ватанни эсланг.

Ватан десам ўйлаб жумло оламни,
Мен эслайман унтилган онамни,
Одам денглар Ватан деган одамни,
Унтилган азиз Ватанни ёсланг.

Эсланг унтилган қадим ўланни,
Камситилган, ўксук гариб Ватанни.
Душманлар топтаган гул-сийму тани,
Унтилган азиз Ватанни эсланг.

1992.

ДҮНГАНЛАР ФОЖИАСИ

1919 йил.

1

Чингиз давридан буён,
Күрмаганди Туркистан
Бу каби бахтсизликни,
Вахшийлик, ёвузынни...

2

Русияда оқ подшо
Таҳтидан ағдарилди.
Ҳокимият устига
Қызил ҳукумат келди.
Халқлар тафтиш қилинди,
Синфларга бўлинди.
Эзгулик бўлди касод,
Сепилди фитна-фасод.
Бирин қайраб бирига,
Хотинини эриго,
Ўглини отасига,
Акани укасига
Она билан қизини,
Ўзи билан ўзини
Оворо қилиб қўйиб,
Олдилар кўзин ўйиб.

3

Одамлор ранги сўлғин,
Бошланди қонли қирғин.

Фүқаролар уришиб,
Бир-бирини қиришиб,
Бегунохлар отилди,
Сүйилди ва чопилди.
Элни бир-бир эланди,
Үз қонига беланди.
Тутыб бойлик хумори,
Таланди халқнинг бори.
Мұлк бўлди мусодара,
Одамлар дили пора.
Хайдалди бола-чако.
Ямок тўн, йиртиқ ёقا.

4

Ҳаддидан ошди зулм,
Оддий ҳол бўлди ўлим.
Қочган қочиб қутилди,
Кўплар қувиб тутилди.
Илмли киши борки,
Ким ақли, хуши борки,
Қамоқларга ташланди,
Қийнок, сўроқ бошланди.
Кўплар ўлди чидолмай,
Тухматларни тан олмай...
Кўплар сургун қилинди,
Үз юртидан қувилди.
Фикри ўзгача ким бор,
Бўлди балога дучор.
Барчани қўрқитилди,
Урилди, йиқитилди.

5

Бошланган бу "Инқилоб",
Қилді барчани хароб.
Сигмасдан ўз үйига,
Етмай ўйлаб үйига
Мазлум халқ күзин ёшлаб,
Кетди юртини ташлаб.
Охир тугаб бардоши,
Тугаб күзида ёши
Деҳқон ахли бирлашди,
Ахд қилишиб тиллашди.

6

Қораболта, Сүқулук,
Оқсу... Бўлди кўргулук.
Ўн саккиз рус қишлоғи,
Болта, ўроқ, яроги,
Қизилларга ташланди,
Зўр қўзголон бошланди.
Гап нимада билмасдан,
Мулоҳаза қилмасдан
Рұслар ёнига шу дам,
Қўшилди дунгандар ҳам.
Бари мазлум, қора халқ,
Қизиллардан сўраб ҳақ
Излаб дардларга чора,
Бўлдилар кўп оввора.
Қўзголон бостирилди,
Кўплари остирилди.

7

Рұс дәхқонлардан аммо,
Озчилик олди жазо.
Барча күлфатни шу вакт,
Дунгандар күрди фақат.
Саккиз юз мусулмонни,
Ерлик дунган дәхқонни,
Олиб келиб Бишкекка,
Бозорда қилиб тикка
Барчасини түпладилар,
Қонларини ҳүпладилар.
Айбдор қилиб жүрттага,
Үраб олиб ўртага,
Пулемётта тутдилар,
Сүңг найзалаң үтдилар.
Бозор кориши қонга,
Дод сиғмасдан осмонга...

8

Сүңг бошланди шу замон
Дунган қышлоги томон,
"Фолибона" зўр юриш,
Қишлоққа қарши уруш.
Кексаю ёш отилди,
Бола-чақа чопилди.
Ҳайдаб чиқиб қўйларни,
Ёндирилди уйларни.
Қизил отли оломон,
Мол-мulkни қилди талон.
Қаралмай кўргулукка,
Кўча тўла ўликка
Кўздан қонлар оқарди,

Ғам, алам ўт ёқарди.
Қараш даҳшатли эди,
Ҳолат ваҳшатли эди.
Юрак йигларди унсиз,
Кундузи эди күнсиз...

9

Асли бу гавғо эди,
Режали иғво эди.
Ишонувчан авом ҳалк,
Содда, оми, тамом ҳалк.
Чўзилмай иш узоққа,
Лакқа тушди тузоққа.
Бор будидан айрилди,
Қанотлари қайрилди.
Олдириб юрагини,
Унутиб тилагини,
Иродаси букилди,
Шундайин маҳв этилди.

10

Кўзингни оч деб шеърхон,
Тарихни қилдим баён.
Қизиллар шу йўл билан,
Мурдор, қонли қўл билан
Ҳокимятни олдилар,
Тепасида қолдилар.
Қиргин, нифоқ, кўрқитиш,
Зўрлик билан иш тутиш
Улар учун аввалдан,
Усул эди синалган...

1992.

ЎЗГАН Дафтари



*Биз иғвога учсак,
кўп адашамиз,
Оға-ини бўлсак,
не талашамиз?*

ЎЗГАН Дафтарӣ

I. ҚОРА ЮЗЛИКЛАР

Бир минг тўққиз юзу тўқсон биринчи-
Йилнинг саратони. Ўшда, Ўзганда
Фожеа рўй берди саҳарга яқин,
Ўзбеклар осуда ухлаб ётганда.

Ўн минг чогли ёвуз, қаттол оломон,
Ногоҳ ҳужум қилди, пиёда, отлик.
Қўлларида пичоқ, найзаю гаврон,
Болтаю тўппонча, тез отар милтиқ.

Кутурган ит каби ташланди улар,
Ширин ухлаб ётган тинч аҳолига.
Молу ҳолин талаб, ўтни қўйдилар,
Эгасин ўлдириб, ҳар бир ҳовлига.

Ўзбек аёлларин тугруқхонада
Чавақлаб қорнини ёриб кетдилар.
Мургак ҳомиласин юлиб хонадан
Деразадан эшик томон отдилар.

Бундай ёвузликни кўрмаган олам,
Кўрса қолар эди фашист ер чизиб.
Ваҳшийлик бобида Чингизхондан ҳам
Котиллар Ўзғанда кетдилар ўзиб.

Мол-мулклар талонди хонадонларда,
Юзлаб машиналар олиб қочилди.

Үйлар ёндирилди. Неча жонлар-да
Күй каби сүйилди, чопиб отилди.

Қотиллар мақсади ўзбек ва қирғиз
Орасига нифоқ солмоқлик эди.
Икки ога-ини әлнинг бирлашиб-
Кетишин олдини олмоқлик эди.

Кўзойнакли илон - Кобра мисоли
Қотиллар кўзида никоб бор эди.
Афту башараси саргишдан келгун,
Разил ва мунофиқ ҳам мурдор эди.

Кимлар эди, ўша қора юзликлар,
Таниб бўлмасмиди башарасидан?
Улар қирғиз эмас, кёлишган эди
Туркистон тупрогин ташқарисидан...

2.РАЗОЛАТ

Бойқуш қўнди лола қизғалдоқларга,
Иблис тумшук солди оқ булоқларга.
Девлар оралади яшил боғларга,
"Ит тегди сут ҳидли қизалоқларга"...*

Олти ёш маъсума қизлар зўрланди,
Она таҳқирланди, ота хўрланди.
Ваҳшийлик, разиллик билан турланди,
Ит тегди сут ҳидли қизалоқларга...

*Х.Худойбердиева.

Инсонмиди улар ёки ҳайвонми?
Инсон киёфали разил шайтонми?
Айтинг, кимлар улар ёки беномми?
Ит тегди сут ҳидли қизалоқларга...

Бундай қабоҳатни ким ҳам үнугтай,
Бир күн гўдакларнинг уволи тутгай.
Мукаррар итни ит ўлими қутгай,
Ит тегди сут ҳидли қизалоқларга.

3.ИЛОН УДУМИ

Етар, бас, гапирманг,
Етар энди, бас.
Ўзганда қон тўккан
Киргизлар эмас..

У минг яширмасин,
Кўзин бу замон
Қонхўр ким, жаллод ким,
Кўрмокда жаҳон.

Бу ўша заҳарли
Илон удуми.
Чақиб беркинару
Фош этар думи..

4. АЛПОМИШЛАР ҚАЙДАСИЗ?

Үзгән гамга түлди макру риёдан,
Үликлар оқизок қора дарёдан.
Тоглар йигламоқда дардли нидодан,
Алпомишлар, Авазхонлар қайдасиз?

Бокира қызларни олиб қочди ёв,
Олойда қийнади, хүрлаб беаёв.
Етти пушти бўлсин уларни маҳов,
Алпомишлар, Авазхонлар қайдасиз?

Каердасиз бели боғлиқ ўглонлар,
Гўрўғли авлоди, морду мардонлар.
Ўшлиқ кизлар бўнда ютдику конлар,
Алпомишлар, Авазхонлар қайдасиз?

Бизнинг азобларни сезса гар Бобур,
Кабридан отилиб чиқарди ҳозир.
Ким бор бизни халос этгани қодир,
Алпомишлар, Авазхонлар қайдасиз?

Биз дўстмиз деганлар агёрлар экан,
Оғангман деганлар гаддорлар экан,
Юзларида шойи никоб бор экан,
Алпомишлар, Авазхонлар қайдасиз?

5.БИЗЛАР БИР ДАРАХТНИНГ ИЛДИЗЛАРИМИЗ

Биз-ўзбек, тожик, қозоқ, қиргизлармиз,
Бир улкан дараҳтдан бир илдизлармиз.
Хеч ким үз томидин киркәрми, айтинг
Алданмангизі Қирксак сұнgra бўзлармиз.

Биз Турон кўкидан бир юлдузлармиз,
Туркий наслданмиз, ёрқин излармиз.
Үйғонинг эй азиз, қутлуг жондошлар,
Шу буюк Ватанга эга бизлармиз.

Мудом низо чиқса бу душман иши,
.Бизни пароканда қилмоқ хоҳиши.
Бири биримиздан жудо айлаб сўнг,
Кўхна найранг битта-битта қирқиши.

Ўйланг Туркистонни чиркиратган ким?
Пайт пойлаб қонларин тиркиратган ким?
Ўзин ожиз сезиб Турон қошида,
Бу қиргиз, ўзбек деб ажратган ким?

Босқинчида сира раҳм, шафқат бўлмас,
Сўзларида субут, ҳақиқат бўлмас.
Үнинг сўзигамас, ишига қаранг,
Риёкор...Билингки, оқибат бўлмас.

Биз иғвога учсак кўп одашамиз,
Оғо-ини бўлсак не талашамиз?

1991.

ҚАЛБ МАНЗАРАЛАРИ



Умидим ошиқди күзларим яйнаб,
Дилимдан бир сатр шеър отилган он.
Тилемдан илдию еллар авайлаб,
Мехрим қуёшида акс этди жаҳон.

МУҲАББАТ

Шўҳликлар тўлқини ила басма-бас
Илк мухаббат қуши учганда шодон
Гўдак юрагимнинг тоза, муқаддас,
Оппоқ қатларига қўнганда пинҳон.

Нозик туйгуларим қўзголса майин,
Қуш қанотларини қоқиб кўярди.
О, у қанотлар қалқиган сайин,
Шўҳликлардан уни яхши кўрардим.

Яхши кўрар эдим, ўзим билан teng,
Ўн уч яшар шоддод, гўзал қизчани.
Яхши кўриш нима, билармидинг денг,
Нима қизиқтириди эканда мени.

Шўҳликла йиглатиб қўйсам гоҳида,
Йиглаб ойисини келарди бошлоб.
Она қулогимни бураб турса-да,
Яхши кўраман-да, дер эдим йиглаб...

1967.

ҚАЙЛАРГА КЕТДИНГ

Юрагимни ҳуввиллатиб қайларга кетдинг,
Энди сени қайдан излай, қайдан топай ман.
Мехр тўла қўзларимни интизор этдинг,
Ахир, сенсиз бу дунёда қандай яшайман.

Ушбу дилбар күз оқшоми, сертүй кечада,
Карнай-сурнай садолари янграр күчада.
Менчи, ёлгиз гамга ботиб хилват гүшада-
Үлтирибман, эй нигоро қайларга кетдинг?

О, бу ўйлар, ич-этимни ташлайдилар еб,
Ишк қисмати шунчаларки оғирдир билсанг.
Кани энди, шу лаҳзада ҳазиллашдим деб,
Юрагимга офтоб бўлиб сен кириб келсанг...

1970.

СЕВГИ АРМОНИ

Алвидо эй, сокин хилватгоҳ боғлар!
Алвидо оромгоҳ анхор бўйлари!
Алвидо эй, корли улуғвор тоғлар!
Алвидо қалбимнинг севган кўйлари!

Ширин ҳаёлларим энди алвидо!
Алвидо қаро зулф сокин тунларим!
Алвидо бебаҳо ўтган кунларим!
Нозик туйгуларим энди алвидо!

Энди илгариги ўтли онлардек
Сизнинг багрингизда юролмам энди.
Севиб, севилолган ошиқ жонлардек
Сизга эҳтиросла қаролмам энди.

Хў оппоқ булутлар ёгиб ўтдилар,
Водийларни ювди менинг кўз ёшим.
Чақинлар самонинг багрин сўқдилар,
Момагулдираклар ҳасратим, оҳим.

Хў ёришаётган қорамтири фалак-
Бёвафо гўзалнинг қаро юzlари.
Оламнинг белидан қучган камалак
Севгимнинг ҳаётда қолган излари...

1970.

МАКТУБ

(Туркман шоири Осмон Халлиевдан)

Тонгларнинг бошида ташвиш - оқ туман,
Куз келиб сўқмоқлар қолмиш кўмилиб.
Йиртилган хатингдек яйдоқ шохлорга
Зъфорон япроқлар қолмиш илиниб.

Куз келиб, оқшомлар ғамгин ва сокин,
Ҳатто кундузларнинг чехраси сўлгин.
Жўшқин дарёлардан узулиб колган
Сувларнинг кўзида ёшлари тўлгин.

Оқ булутлар сузар, ўй суриб оғир,
Баҳорни сўроқлаб йўқотмиш йўлин.
Гулларга шивирлаб сир айтган ёмғир,
Хис қилар қалби муз қорларнинг қўлин.

Ўтган кунларни ҳеч кўмсамас кўнгил,
Ҳаёллар баҳрида чўмилиб, толдим.
Борардиму аммо... олдингга эй гул,
Куз келиб сўқмоқлар кўмилиб қолди...

ОГАХИЙ

Шоирнинг 190 йиллигига

Үз дардини ўйламади у,
Ахли шоҳдан ўгирди юзин.
Үз гамидан сўйламади у,
Факир элга баҳш этди ўзин.

Үз дардини ўйлаган шоир,
Шоир эмас, нафс бандаси.
Бешта-ўнта юлмоққа моҳир,
Нафси ўпқон намояндаси.

Улар нима қилса килар у,
Нима дегин деса сайрайди.
Маддоҳликни яхши билар у,
Худди тӯти бўлиб яйрайди.

Үз дардини ўйлаган шоир
Дунёпараст зотлар адоси.
Холвайтардек бўлгуси зоҳир,
Арzon шуҳрат ва шон гадоси.

Үз дардини ўйлаган шоир
Фарқин билмас ҳаром - ҳалолни.
Лоф уриб у покликка доир,
Фаҳшлар ичра топар оромни.

Үз дардини ўйлаган шоир,
Шоирмас, эл кўнглидан қолар.
Эл дардларин куйлаган шоир
Оғаҳийдек улуг ном олар...

1999 й.

ҲАВАС

Усмон Носирга

Наманган... Усмон Носир, Усмон Носир,
Қайта-қайта тақрорлайман дилимда.
Қалби оташ, шеъриятда шўх шоир,
Ашъорларинг тақрорлайман тилимда.
Шеъринг ўқиб, сен билан сўзлашиб мен,
Кулиб турган юзларингга қарадим.
Ойдин фикр, теранликни айтдинг сен.
Ёш бўлсанг ҳам улуғ шоир санадим.
Кўкни булут босса зумда тарқалар,
Осмон тўкар бехудага кўз ёшин.
Қумриларни тилкалади қаргалар,
Куруқ тухматларга эгилди бошинг.
Энди яйраб ижод қилиб юрмадинг,
Бахтинг сенга бунда насиб қилмади.
Дўстлар билан бирга ўйнаб кулмадинг,
Очиқ кўзлар кўру кўра билмади.

* * *

Олис Шимол. Ғурбат қунлар, оҳ у азоб-укубат,
Элга меҳринг қалбда борчун сени бука олмади.
Жаранглади сенинг шеъринг танингга бўлди қувват.
Ҳақиқатга инондинг сен, ҳақиқатдан қолмадинг.
Онлар ўтди, қунлар ўтди, ойлар, йиллар кетидан,
Ҳақни ҳақقا айрилди, хатоликлар ювилди.
Мунофиқлор тирик бўлса жудо бўлди этидан,
Ўлганлари йўқлик сари эл қалбидан қувилди.

1967,24 сентябрь.

ЮЛДУЗ УЧДИ...

Юлдуз учди !
Хув, қаранг !
Юлдузлар орасидан.
Тигдек тилди тун багрин,
Бепарво ноласидан.
Ү юлдуз аlamдийда,
Нурдан күзида ёши.
Айрилиқнинг дардида,
Тугаб борар бардоши.
Ахир, бепоен осмон
Унинг ватани эди.
Унга дўсту қадрдон
Юлдуз чамани эди.
Сайёralар ёнидан
Ерга кулиб боқарди.
Умидсизлар қонида
Умид ўтин ёқарди.
Хозир ўзи умидсиз,
Ватанини тарк этди.
Ва зулмат ичра беиз
Сўниб, йўқ бўлиб кетди...

1968.

* *

*

Бир эзгулик сездим юраккинамда,
Тугилибки ақлим таниган оним.
Онам меҳри эриб тилякканамда,
Олам ишқ-сехридан лолланди жоним.

Умидим ошикди кўзларим яйнаб,
Дилимдан бир сатр шеър отилган он.
Тилимдан илдию еллар авайлаб,
Мехрим қуёшида акс этди жаҳон.

1968.

ЭНГ ГЎЗАЛ ГУЛ

-РИВОЯТ-

Ҳиндистонда қадим замонда,
Ўтган экан улуғ бир хокон.
Доноликда ҳамма томонда
Топган экан катта шухрат-шон.
Бир кун у ўз саройига,
Чакирибди аҳли донишни.
Ва сўрабди базм чогида
Бир саволга жавоб беришни.
-Гуллар ичра энг чиройлиси,
Энг гўзали қайси бири ул?
-Инсонларга баҳт келтирувчи,
Хосиятли қайси гўзал гул?
Давра қурган не-не шуаро,
Алломалар чўмдилар ўйга.
Агар ҳеч ким демаса лом-мим,
Тушардилар улар не кўйга?
Улуғ ҳонга қиларкан таъзим,
-Мен айтайин,- деди бир доно.
-Гар кечсангиз бир қошиқ қоним,
Удир гуллар гўзали Раъно.

-Чаманзорда раънодан кўра,
Нафисрок гул топилмас сира.
Ва келтириди гулзордан ўзи,
Гул раънодан ажиб гулдаста.
Ёришмади ҳоқонни юзи,
Бош иргади "Йўқ" дея аста.
Улуг хонга қиласкан таъзим,
-Мен айтайн,- деди бир фозил.
-Гар кечсангиз бир қошиқ қоним,
Кизил гулдир сиз ўйлаган гул.
-Богда бўлбул қиласкан хониш,
Кизил гулнинг висолидан маст.
-Айлаганга ҳидламоқ ҳоҳиш,
Ундан ҳиди ўткир гул бўлмас.
Ва келтириди гулзордан ўзи,
Кизил гулдан чўгдек гулдаста.
Ёришмади ҳоқонни юзи,
Бош иргади "Йўқ" дея аста.
Улуг хонга қиласкан таъзим,
Сўз сўради бир соҳиб ҳунар.
-Гар кечсангиз бир қошиқ қоним,
Энг гўзал гул удир нилуфар.
-Субҳидамда келин мисоли
Сувдан оста қўтаради бош.
-Буткул аср этиб жамоли,
Унга тинмай нур сочар қуёш.
Ва келтириди гулзордан ўзи,
Биллур гулдон ичра гулдаста.
Ёришмади ҳоқонни юзи,
Бош иргади "Йўқ" дея аста.
Шод бўлмади шунда ҳам ҳоқон,
Қад ростлади, бўлди даргазаб.

Терға ботди ҳамма ҳам шу он,
Қайси ғулдир, ахир у ажаб?
-Мен айтайин, - деди шу зәмөн,
Таъзим қилиб хизматкор аёл.
Ким экан деб оқила жонон
Барча үнгә қарғади хүшхол.
Бирров чикиб саройдан санам,
Олиб келди гүза гулинни.
Деди: бизни кийинтирган ҳам,
Шудир гуллар ичра гүзали!
Мамнун бўлиб жавобдан ҳоқон,
Шунда дили бўлди мунаввар.
Ғазначига айлади фармон:
-Аёл боши үзра сочинг зар!

ҲАҚИҚАТ

Майдон. Ҳақ ва ноҳақ турар юзма-юз,
Иккисин қўлида дудама ханжар.
Ҳақку ҳақ, ноҳақ ҳам ҳақман дейди юз,
Ҳақиқат ўлади, енгса у агар.

Нафас олмай сукут сақлайди дунё,
Киприк қоқмай қараб турар одамлар.
Ҳаёт ҳаёт бўлар, эрмак бўлар ё,
Ҳаёт ҳаётини ҳал қилгучи дамлар.

Ноҳақ шиддат билан ташланди тикка,
Бор разилликлардан ишлатиб ҳадис.
Қаттиқ ҳамла қилди ҳақгўйга қалтис,
Тиф шиг этиб қилди ҳавони тилка.

...Одамларнинг қалби кетди орзиқиб,
Танларда музлади шунда ҳаяжон.
Эпчил чап бераркан ҳақгүй энтикиб,
Вазмин қараб турар кўзларида қон...

Инсон яралдики бошланмиш бу жанг,
Инсон борки бу жанг этади давом.
Аммо адолатга тимсол бўлур ҳак,
Разолатга тимсол ноҳақ деган ном.

1969.

ОДАМ ВА ОЛАМ

Бир неча миллион йиллар муқаддам,
Яралди табиат тугёнларидан,
Куёш юрагининг эҳсонларидан
Азалий коинот бағрида олам.

Нур товуш пуштидан яралди жонзор,
Тупроқдан қимирлаб жонланди жаҳон.
Ўз-ўзига хайрон бўлди одамзод,
Мўъжиза бўлди у танидаги жон.

Уни яратаркан она табиат,
Тиниқ онг, муҳаббат, тенгсиз гўзаллик,
Кўзу қош, қўл - оёқ айлади ҳиммат,
Ва унга баҳш этди буюк бир қудрат.

Борлиқ коинотда султонсан, - деди,
Қудратимга эга инсонсан, - деди.
Қўлингдан келади уни яшнатмоқ,
Ёки остин - устун қилиб йўқотмоқ...

1969.

ИНСОН

Қачонлардир ерда яралди инсон,
Жонланиб тупроқдан, ҳаводан, кундан.
Харкалай бошланар ўша қутлуг он,
Инсон ўз-ўзини кашф этган кундан.

Балки бу кашфиёт миллион йиллар-
Давомида сокин содир бўлгандир.
Аммо шу ўтгучи олис даврлар -
Ичра инсон деган ном түғилгандир.

Инсон түғилгандир ҳадсиз, поёnsiz
Шу сирли дунёning рӯпарасида.
Уни чўмилтириб олган ўша кез
Қуёш уммонларнинг тогорасида.

Заррин чойшабларга ўраб авайлаб,
Йўргаклаб олгандир фарзандини у.
Унга ўз меҳрини бахшида айлаб,
Шу заминни тортиғ айлаган мангу !

1972.

УМР

(сонет)

"Ўтган умр қайтиб келса мабодо,
Қандай яшаш керак, билардим жуда".
Баъзилар шу гапни айтар беҳуда,
Ўз умрин бесамар айлагач адо.

Умрлар ўтади, гафлат уйкуда,
Сўнг дилни ёради оғсус ва нидо.
Оламга сигмайди нолаю видо,
Кейинги пушаймаон душман туйгу-да!

Умрни ёшлиқдан қадр этмоқ керак,
Ҳаётга жўшиб кир, қайна эй юрак.
Ахир, бу дунёда ҳар он ғанимат!

Ғаниматдир одам, әдамга одом
Асло ортга қайтмас ўтиб кетган дам.
Умрингни элу юрт учун яшаб ўт!

1979.

ФИКР

[сонет]

Гоҳо фикр теран, бўлса ҳамки зўр,
Уни ўзгаларга ўтказмоқ қийин.
Ўз фикрингга ишонч бўлганидан кейин,
Эй руҳим, сен бўнга бир үриниб кўр!

Фикр тұғилади бир чақмоқдайин,
Үнинг қувватидан қувват олиб юр.
Ўзингни фикрингда доим событ тур,
Событ бўлур фикр юксалган сайин.

Қалбинг ойинасү бўлсин ҳар фикр,
Жўн гапни фикр деб айлама зикр.
Фикринг фикрларинг бўлсин сарбони.

Хур фикр ҳукмрон бўлсин дунёда,
Фикрлилар үмри бўлсин зиёда.
Фикр инсонликнинг нурли мезони.

1979.

АЖАБЛАНМА

Ажабланма! Йўлнинг бошида
Қолдирсалар ногоҳ ўкситиб.
Ё кўйсалар душман қошида
Макр билан бошинг дол этиб.

Ажабланма! Сен донишманд деб,
Ихлос қўйиб қўл берган одам-
Чиқиб қолса ўз гамини еб,
Юргучи бир бефаҳм, бегам.

Ажабланма! Айлагин бардош,
Қўйнинг аро сақлаган гавҳар-
Чиқиб қолса бир кун оддий тош,
Муз ташласа қалбингга агар.

Ажабланма! Парво қилма ҳеч,
Юксакларга ташлагил нигоҳ.
Огоҳ бўлиб турган эрта-кеч,
Ҳудо ўзи бўлгайдир паноҳ!

1981.

ТААССУРОТ

Инсон түгиларкан, үни дунёда,
Хар хил ҳолат, ҳар хил тақдир күтади.
Кимдир ҳоким бўлиб яшар зиёда,
Кимдир конхўр жаллод бўлиб ўтади.

Ким қачон кўз очар, бу сирли хилқат,
Ким атом асрида, ким тош асрида.
Ким қайда кўз очар, сирлидир факат,
Ким гарив қулбада, ким шох қасрида.

Кимгадир мороқли саёҳат - дунё,
Кимгадир бу жаҳон - хатарли сафар.
Кимнингдир бошига қўнади ҳумо,
Кимнингдир бошини баланд дор кутар.

Қўзгун човут солган қушда дунёдан,
Айтинг, сўнар экан қандай хотирот?
Бевақт маглуб бўлган макру риёдан,
Инсонларда қолур қандай таассурот?

Одамлар, бу дунё қолади сиздан,
Аммо үнүтмасин номингизни бот.
Сизларда дунёдан, дунёда биздан
Қолсин эслагулик, яхши таассурот!

1980.

ЗИЛЗИЛА

-Ү инсон, сен қўркиб кетдингми,
Юрагинг кетдими орзишиб?
Зилзила безовта этдими,
Хонангдан отилдинг ховлиқиб.

Нима ҳам қилаолар эдинг сен,
Ожизсан бундай куч қошида.
Қани айт, нимадир дединг сен,
Ҳаяжон сўзларинг бошида.

Бу - ҳали сен сира кўрмаган,
Бир зумда сезсангда даҳшатин.
Зилзила тубидо чакнаган
Жуда ҳам қудратли бир чақин.

Салгина силкитиб қўйса у,
Тўсатдан пойингни ногаҳон
Ортиқча гопни мен қўяй-у
Сеники бўлмасдан қолар жон.

Зилзила даҳшатин олдида
Ҳолингку шунчалик, биласан.
Айт, нечун сен ўзинг гоҳида
Дунёни безовта қиласан?

1985.

ЛАС ВЕГИСДА БҮЛГАН ҲОДИСА

1

Ҳодиса рўй берди, бир куни машхур-
Лас Вегас шаҳрининг аэропортида.
Ногоҳ бомба портлаб, чақнаб кетди нур,
Кўнаётган чоги "Боинг" бортида.

Хайрият, ҳавода портламасдан у,
Ерда фалокатнинг олди олинди.
Беш-олти йўловчи шикастланди-ю,
Аммо ҳамма омон сақлаб қолинди.

2

Федерал разведка бюроси тезкор
Қидирув ишларни бошлаб юборди.
Гавжум қиморхона, авжидаги қимор,
Излар шу бурчакка етаклаб борди.

Жаноблар бу ерда бир доллар учун
Олишар ҳаттоки кўзларин ўйиб.
Анави жентельмен шу ерда ҳар кун
Ўйнар рулеткага катта пул кўйиб.

3.

Кутмаганда...Кўлга тушди бехосдан,
Касби кори унинг экан бизнесмен.
Ёши ўттиз тўртда. У - Сан Маркосдан,
Исми ва шарифи Альберт Ли Тильмен.

Барча ўйлаб ҳайрон: нечун бу одам,
Шундай ёвузликни кўнглига туйди?

Қандай, не мақсадда ва нима учун,
Самолёт бортига бомбани қўйди?

4

Нечун у қасд қилди, ўнлаб бегуноҳ,
Безавол йўловчи одом жонига.
Нечун одамларга қазиди у чоҳ,
Ўйлаб хам кўрмади бир виждонига.

Ё раб, шу рейс билан учайтганди,
Унинг ўз хотини ва уч фарзанди.
Ли Тильмен тўсатдан бойийман деди,
Уни доллар - шайтон йўлдан үрганди.

5

Сугурто қилдирган эди ҳаётин
Миллион долларга хотини шўрлик.
Шартномани қўлга олган заҳоти
Тўғилди разил эр кўнглида шумлик.

Йирик, қонли луқма ўртарди уни,
Одам қиёфали йиртқич ҳайвонни.
Олмоқчи бўлганди ўлгач хотини,
Давлатдан ундириб бир миллионни.

6

Камерада ёлгиз, қабоги солик,
Альберт ташқарига кўзин тутади.
Энди уни жирканч қилмишига лойик,
Йигирма беш йиллик жазо кутади.

Афсус... Бу дүнёда Альберт сингари
Ёвуздар күп ҳали, кезиб юришар.
Эвини қилишса үз болаларин
Үлдириб бўлса ҳам даврон суришар...

1985.

МУРУВВАТ

(САРВАР АЗИМОВГА)

Мендек гўр шоирлар кўп бу эл аро,
Мен қайдаману сиз қайдасиз, устоз.
Менга ҳам меҳрингиз хўрибсиз рано,
Хатто ҳат ёзибсиз кўрсатиб эъзоз.

Қалам аҳли ичра устозлар ҳам бор,
Бизга меҳрларин дариг тутарлар.
Билмам, улар икки дунёда такрор
Фақат ўзларини ўйлаб ўтарлар.

Улар танишади ўзларин ёлгиз,
Ёлгиз ўзларини дерлар истеъдод.
Хатто улар бири бирларин, эсиз,
Кўролмай пайларин қирқишар, ҳайхот!

Сиз эса кўрмасдан ва сўрамасдан,
Ғўр бир ҳаваскорни ёдга олибсиз.
Вазир бўлсангиз ҳам узоқ туманга
Шеърларимни сўраб ҳат юборибсиз.

Хатингизни олиб ўқиган дамда
Кўлингиз тафтини сездим елкамда.

1988.

ХИНД КҮЙИ

Сеҳрланади рухим,
Бирдан жүшиб кетаман.
Богрим эриб, сел бўлиб,
Тўлиб-тошиб кетаман.
Сени тинглаган кўйи,
О хинд кўйи, хинд кўйи!

Юрагимнинг энг теран
Жойи кўйга қонади.
Энг эрка ва энг нозик
Хисларим уйгонади,
Сени тинглаган кўйи,
О хинд кўйи, хинд кўйи!

Қадимий Хиендистоннинг
Қалбини тинглагайман.
Жафокаш улуг элнинг
Дардларин англағайман.
Сени тинглаган кўйи,
О хинд кўйи, хинд кўйи!

Янграйвергин ҳамиша,
Яшайвер тилакларда.
Эзгулик япроқ ёзсин,
Ҳатто тош юракларда.
Сени тинглаган кўйи,
О хинд кўйи, хинд кўйи!

1998.

ТАЪМА

Бу дунёда борки қимирлаган жон,
Тирикчилик учун курашор тинмай.
Улар ичидә энг қизиги йинсон,
Минг битта күчага кирар эринмай.

Сабаби тириклик дейди бечора,
Гоҳ ёлғон гапни ҳам айтишдан қайтмас.
Турланиб ҳам турагар, дейди начора,
Номусни ўртага қўйганин айтмас.

Лекин у билмайди, тўйса ҳамки ер,
Унинг қорни тўйдим демас ҳеч қачон.
Нафси қургур бало, ҳеч тўймадим дер,
Миннатдор бўлганин билмас ҳеч замон.

Шундай бўлса ҳамки баъзи бир одам,
Нафс сўзига кириб ўтда ёнади.
Билмайдики унинг нафси чинакам
Фақат ўлганидан кейин қонади.

Ўйлаб тирикчилик ташвишимизни,
Керакмиди дейман, қорин, овқат, нафс.
Ахир, бўлмасмиди бизлар яшасак
Фақатгина олиб ҳаводан нафас.

Балки шунда бўлмас эди нафса қул,
Бўлмасди қорнига қарам одамзот.
Балки шунда унинг руҳига буткул
Таъмагорлик хисси бўлур эди ёт...

1988.

ХУДБИН

Үгирликнинг устидан чиқиб,
Кўрмаганга солиб кетар у.
Иллатлорга дуч келганида
Билмаганга олиб кетар у.

Менга нима, дейди бу одам,
Ўз жонини ўйлайди фақат.
Дунёни сув олиб кетса ҳам
Ўз гомидан сўзлайди фақат.

Менга нима, дейди қўл силтоб,
Лоқайдгина кўзин ишқалар.
Тагидан ўт кетса ҳам тутаб,
Айтсин дейди буни бошқалар...

1989.

ШЕРАЛИГА

Бунча ширин, бунча ёқимли,
Эй Шерали, сенинг овозинг.
Бунча янгрок, бунча жарангдор,
Юракларни титратган созинг.

Бундай майин, дилбар овозни,
Айтчи дўстим, қайдан олгансан?
Бундай нозик пардали созни,
Қандай қилиб кўйга согансан.

Балки онанғ ғуллар бўйидан
Бўйларингни бўйлаб олгандир.
Қумоилсанни тинлаб кўйидан,
Овозингни ҳиллаб олгандир?

Гул шохидаги булбулни кўрдим,
Овозингни тинглаб яйрайди.
Сайрашини кузатиб турдим,
Сендан андоз олиб сайрайди.

Овозингдан минг йиллик сайқал -
Топган кўйлар оҳангидар.
Шўх созингдан ўзингга ҳайкал,
Олтин созинг жаранги келар.

Юракларга эзгулик солиб,
Кўйларвёргин булбули хушхон.
Монгу тўлиб турсин қўшикка
Турон замин - хур Ўзбекистон!

1989.

МАГЛУБ ҲАЁЛИ

Илжайиб турдингиз голиб мисоли,
Маглуб холатимни кузатиб зимдан.
Қандай бўлишини маглуб ҳаёли,
Хис этдим мен буни кўриб ўзимда.

Ҳа, мен маглуб бўлдим, ҳимоя қилиб,
Кулфат ичра қолган элимни, ёлгиз.
Амалда қолмоқни сиз голиблик деб
Қайтмодингиз тубан йўллардан эссиш...

1990.

Бир вактлар "босмачи" аталған эди,
Озодлик деб бошин күтаған хар зот.
"Халқ дүшмәни" дея отилған эди,
Халқ үчүн жонини тиксанлар, ҳайхот!
"Миллатчи" дейилди тұхматкорона,
Халқын номи билан фахрланса ким.
"Түркчи" деб ғап топди риёкорона,
Түркійларга зимдан номсиз аллаким.
Энди зүр гиёхванд бўлдию колди,
Умрида нашани кўрмаган одам.
Кип-қизил арокхўр номини олди,
Хали арок, нима билмас бола ҳам.
Ҳакқин талаб қылган пешонасига,
"Экстремист" деб ёздилар шу он.
Ҳатто оламонни каторасига
"Безорилар" дея қилишди эълон.
Бүтун бир мұслым халқ "үгри"та чиқди,
Бүтун бир халқ номи бўлди "порахўр".
Турли бўхтон, игволарга йўлиқди,
Тамгалар босилди бир-биридан "зўр".
Мана, келди қарзни узадиган дам,
Энди биз уларга ёрлиқни осдик.
Ўша тамгадорлор ўзига биз ҳам,
"МУСТАБИДЛАР" дея тамгани босдик!

1990.

ХОЗ АДАВИЧ НЕСИМ

ЧҮЛПОН

Ҳақиқатнинг мўмин кўзига бир-бир
Ўткир тигли тухмат мили тортилди.
Улуглик бошга зил - замбил оғир,
Воҳшийликнинг мурдор юки ортилди.

1992.

ДАРЁНИНГ ТОШИ

(Онам Фотимахонга)

Ҳар лаҳзада минг бор ювилган,
Поклик рамзи дарёнинг тоши.
Дарёларга тинмай қуолган
Ирмоклардир кўзларим ёши.

Териб келиб дарё тошидан,
Қабрингизга тошлар тердирдим.
Тошлар узра кўзим ёшидан,
Эй онажон, ёшлар тердирдим.

Тошлар турсин саловат айтиб,
Онажоним, пок руҳингизга.
Бизлар яна келгунча қайтиб,
Согинганда ҳузурингизга.

1993.

НАМАНГАННИНГ ЧИНОРЛАРИ БОР

(Маҳмуджон Ҳамидовга)

Бўйи баланд осмонга туташ,
Наманганнинг чинорлари бор.
Илдизлари қалбимга туташ,
Наманганнинг чинорлари бор.

Сўясида яйрайди диллар,
Шохларида сайрап булбуллар.
Қучогидан ёгду ёғилар,
Наманганнинг чинорлари бор.

Қулоч етмас, қадди-қоматли,
Вазмин, босик, сабр-тоқатли,
Қаторида кўрк салобатли,
Наманганнинг чинорлари бор.

Олтин боши ҳикматга тўла,
Қалби меҳр, ҳимматга тўла,
Номи иззат, ҳурматга тўла,
Наманганнинг чинорлари бор.

Дўстлари кўп барги мисоли,
Шогирдлари чинор нихоли,
Яхшиликдир эзгу ҳаёли,
Наманганнинг чинорлари бор.

Ўтаман деб, устоз ўзидан,
Шогирдлари борор изидан,
Садоқати аён сўзидан,
Наманганнинг чинорлари бор.

Уларнинг хар бири био жаҳон.
Ҳусниддин, Каримжон, Авазхон,
Фазлиддин, Валижон, Махмуджон,
Наманганнинг чинорлари бор.

Фарзанд ото кўзларин нури,
Кўнглининг гурури, шуури,
Умид, қувонч, қалбининг қўри,
Наманганнинг чинорлари бор.

Бири оқил Толиби замон,
Бири Пўлат шамшири омон,
Бири шамсуз Анвар ҷароғон,
Наманганнинг чинорлари бор.

Худди кўқдан тараалган ёғду,
Мехрибон қиз Саидабону,
Суянса гар бир кун келиб у,
Наманганнинг чинорлари бор.

Бу чинорлар ўсган бօғ аро,
Чирой очмиш бир гули Раъно,
Умрларга баҳш этган маъно,
Наманганнинг чинорлари бор.

Бу чинорлар бўлмайди ҳазон,
Бўронлардан ўтгайдир омон,
Наманганни қилган Наманган,
Наманганнинг чинорлари бор...

1997, март.

ҚОРА ҲИЖОБ

Қора рангдан сесканди дилим,
Ғашлик тушди рухимга шу зум.
Қора ҳижоб киймагин синглим,
Ғаштлик тушди рухимга шу зум.

Қора либос азадорга мос,
Либос кийгин ўз элингга хос.
Гўзал бўлур очик ранг либос,
Қора ҳижоб киймагин, синглим!

Юзларингни тўсмагин кундан,
Ҳарир рўмол олгин түгундан.
Ҳижобингни ташла бугундан,
Қора либос киймагин, синглим!

1997.

ФАРДЛАР

1

Дунё - одамзодга сирли бир сафар,
Сафаринг бехатар бўлсин биродар.

2

Келтирмоқлик учун худога иймон,
Умр - қиёси йўқ улуг бир имкон.

3

Ўзин яратганни таниган замон,
Ўзи - ўзини ҳам танийди инсон.

Жаннатдир бу ҳаёт, жаннатдир дунё,
Аммо дўзахлар ҳам ерда мухайё.

1998.

РУБОЙИ

Умримни англадим иймону байт деб,
Айтар сўзларимни ўтарман айтиб.
Айтар сўзларимни айтолмасам гар,
Бу дунёни ташлаб кетаман қайтиб.

1998.

ТУЮҚ

Эй гул, билмадим, бу ошиқ кўнгилнинг майлими,
Бўйларингиздан тўйиб, бир ҳидласам майлими?
Кирмизи япроқларидан гулни бир ҳидлаб эдим,
Маст бўлибман, воажаб гул бўйлари майлими?

1998.

ЗИЁРАТ ҚИЛДИНГМИ ОНАНГ ҚАБРИНИ?

Малол келмаса гар сўзим агарда,
Бир савол сўрасам сендан майлими?
Бирор марта жума куни сахарда,
Зиёрат қилдингми онанг қабрини?

Қабр узра қўнса ҳаттоки чумчуг,
Қабр ичра ётган зотлор биларкан.

Фарзандлари келса күзлари түлүг,
Улар учун шу күн хайит бўларкан.

Кун чиқардан борсанг қабр бошига,
Ўгрилиб қааркан, онанг сен томон.
Кун ботар тарафдан борсанг қошига,
Бошин кўтараркан сенга шу замон.

Малол келмаса гар сўзим агарда,
Бир савол сўрасам сендан майлими?
Бирор марта жума куни сахарда,
Зиёрат қилдингми онанг қабрини?

1998.

БЕДОРЛИК ҲАҚИДА

1

Хушёр киши бедордир,
Бедор киши ҳушёрдир.
Бедорликнинг сўнгида,
Улуг саодат бордир.

2

Бедор киши вактдан ютар,
Эртасини шодон кутар.
Үйқусида босар ишни,
Манзилга тезроқ етар.

3

Бедорликнинг ҳосиятин бил,
Бедор бўлсанг муродинг ҳосил.
Режангдаги ишни доимо,
Имкон борки сал эртароқ қил.

4

Бедор бўлу юргил илгари,
 Ишларингдан чиксин самари,
 Фафлот ичра локайд юрганлар,
 Бижиб ётган кўлмак сингари.

5

Одам бўлай десанг уйқучи бўлма,
 Бегам ва бепарво юргучи бўлма.
 Майли ҳоргинрок юр, бедор бўлгину,
 Аммо начор, мухтож тургучи бўлма.

1998.

ТЎРТЛИКЛАР

1

Ватанга муҳаббат, бу - имоннинг белгиси,
 Имони бутун дилга муҳаббат келгуси.
 Ватанга бемеҳрдан узок юргил ҳаргиз,
 У на ишк, муҳаббат, на ватанни билгуси.

2

Ўзга дардин тинглаб турмоқлик осон,
 Ўзга кулфатини кўрмоқлик осон,
 Ўзгаларга осон тутмагил сира,
 Улар ҳолига тушиб қолмоқлик осон.

3

Бошланади янги, улуг замонлар
 Тұрмуш тарзимизни ўзгартиришдан.
 Истиқлол бошланар эй дүст, ёронлар,
 Бир-бировимизга рост гапиришдан.

Ажаб дунё экан, икки ёт одам,
Дүстлашиб инидек бўлиб кетаркан.
Аммо бир қориндан тушган бўлса ҳам,
Гоҳида ёт каби яшаб ўтаркан.

1998:

НУРЧИЛАРГА

Бугун нурчилар куни, юртимизда тантана,
Нурчилар атрофида бугун барча парвона,
Нурчиларнинг авлоди авлод эрур мардона,
Байрамингиз муборак бўлсин, азиз нурчилар,
Қалбларингиз қувончга тўлсин, азиз нурчилар!

Журъат, жасоратингиз, меҳнатингизга балли,
Ғайрат, шижоатингиз, ҳимматингизга балли,
Қозонган покиза шон, ҳурматингизга балли,
Байрамингиз муборак бўлсин, азиз нурчилар,
Қалбларингиз қувончга тўлсин, азиз нурчилар!

Бир кун электр ўчса олам зимиston бўлар,
Электр нури билан тунлар чорогон бўлар,
Үйлар ярақлаб турса қўнгиллар шодон бўлар,
Байрамингиз муборак бўлсин, азиз нурчилар,
Қалбларингиз қувончга тўлсин, азиз нурчилар!

Электр юртимизга мисоли қон билан жон,
Электр билан ҳаёт, турмушимиз фаровон,
Электр қувватидан йўлларимиз ҳам равон,
Байрамингиз муборак бўлсин, азиз нурчилар,
Қалбларингиз қувончга тўлсин, азиз нурчилар!

Сиз халқымыз гуури, ифтихори эрүрсиз,
Элу юртнинг ишончи, қаторда норидирсиз,
Мұстақиллик таянчи, мададкори эрүрсиз,
Байрамингиз муборак бўлсин, азиз нурчилар,
Қалбларингиз қувончга тўлсин. азиз нурчилар!

1998,декабрь.

ШОИР

1

Шоирлар сўзисиз сўз равон бўлмас,
Шоирларсиз эртонг чарогон бўлмас.
Шоирлар кўз ёши тўкилган юртда
Хеч қачон элу юрт фаровон бўлмас.

2

Ҳар кимга тегсанг ҳам шоирга тегма,
Илохий сўз аро зохирга тегма.
Шоирлар қисмати сирли яралмиш,
Тилсимга дуч келсанг, бу сирга тегма.

3

Шоир ўзи дард чекиб ҳалқ дардин кўтаради,
Шоирга қўл кўтарган ҳалқа қўл кўтаради.
Шоирга зугум қилган одам кўкармас асло,
Шоири шодмон бўлган юрт боги кўкаради.

4

Шоир ниманики тилга олади,
Буни худо ўзи дилга солади.

Эй гофил, шоирлар күнглидан қолма,
Шоир қарғаганлор күздан қолади.

5

Одамнинг субутли, марди ёқимли,
Шоир тортиб турган дарди ёқимли.
Ким бўлсанг ҳам элга фидойи жон бўл,
Шоирнинг бу сўзи, фарди ёқимли.

1993.

ҲАЁ ДЕДИМ

Гавҳар надур, ҳаё дедим,
Жавҳар надур, ибо дедим.
Надур ҳаё, ибо ўзи,
Сахардаги сабо дедим.

Надур ёқут, надур феруз,
Дедим ноёб бир оғиз сўз.
Айтингчи дер ул қаро кўз,
Муҳаббатда вафо дедим.

Айтинг надур, ақиқ-ла дур,
Нечун минг хил жилваланур?
Дур бу - иффат, юзларин хур-
Ювучи нур, зиё дедим.

Надурки бу баҳоси йўқ,
Дур, жавҳардин қиёси йўқ.
Таърифда интиҳоси йўқ,
Номус - бу бебаҳо дедим.

Хаё дедим, ибо дедим.
Немус ила вафо дедим.
Ш~~и~~хислатли санамларга,
Абдулла, жон фидо дедим.

ШОВОТЛИ ҚИЗ

Шовотли қиз, шовотли қиз,
Оғзи тұла новвотли қиз.
Исми жисмігі монанду
Тили асалдек тотли қиз.

Шовотли қиз мевәнг шириң,
"Ховва" деган шеванг шириң.
Сүзлаганда сүзларингда
Минг йиллик нозлар яшириң.

Бир күрдиму бўлдим адо,
Сенсиз қоронгудур дунё.
"Вуей" деган эй паризод,
Сен учун минг жоним фидо.

Шовотли қиз, шовотли қиз,
Оғзи тұла новвотлай қиз...

1995, Хоразм

АЖАБ ДУНЁ ЭКАН

Кирк кун хаммомда чўмилтирсанг ҳам,
Тоза бўлмайдиган ювуксиз бир зот-
Ажаб дунё экан, маънавиятдан,
Покликдан ваъз айтиб турарди, ҳайҳот!

Ажаб дунё экан, илоннинг ёгин-
Ялаган мунофик, шайтонилаъин,
Фаришта тусига кириб у тагин,
Иймондан ваъз айтиб турарди, ҳайҳот!

Ажаб дунё экан, тулкидек айёр,
Ёлгонни ямламай ютмоққа тайёр,
Ёлгоңчи, бебурд зот ҳеч қиласдан ор,
Ростгўйликдан ваъз айтарди, ҳайҳот!

Ажаб дунё экан, ажаб бу олам,
Худодан ҳеч качон қўрқмаган одам,
Аллоҳга муножот килиб ушбу дам,
Қуръондан ваъз айтиб турарди, ҳайҳот!

1998.

ТАЖОВУЗ

Тажовуз қилдилар юртбошимизга,
Қабиҳ ният, разил режалар билан.
Захар солмоқ учун сув, ошимизга,
Илондек сирғалиб чиқдилар индан.

Таҳликага солиб Ўзбекистонни,
Элнинг юрагига солдилар гулу.
Ўлдириб бегуноҳ қанча инсонни,
Пойтахтга солдилар даҳшат ва қўрқув.

Худодан бехабар ёвуз, маълунлар,
Тажовуз қилдилар Президентга.
Фитна уюштириб сотқин, хоинлар,
Бомбалар портлатди шаҳри Тошкентда.

Тажовуз қилдилар пинҳона, зимдан,
Мустақиллигимиз, эркка тажовуз.
Тажовуз қилдилар ногаҳон, бирдан,
Озод, эркин-эмис юртга тажовуз.

Орқага қайтариб вақтни, замонни,
Давлат тўнтаришин қилиб муддао
Истиқлол йўлига чиқсан карвонни
Сарбондан қилмоқчи бўлдилар жудо.

Аммо юртбошимнинг боши - олтин бош,
Уни худойимнинг сақлади ўзи.
Фитна барбод бўлди, душман бўлди фош,
Энди бу дунёда қародир юзи.

Энди эй юртдошлар, сиз ҳам фарқ этинг -
Дўст билан душманни, уйгонинг тезроқ.
Буюк юртбошимиз қадрига етинг,
Бирлашинг яна ҳам бўлиб жипсроқ.

1999, 19 февраль.

УМРИНГНИ ШИДДАТКОР ЭТ !

Дамбаланган сувмисан,
Оқмайсану түхтайсан?
Еки нам ўтнимисан,
Енмайсану тутайсан?

Хаётдир бу, жүшиб юр,
Умрингни шиддаткор эт.
Е шарқираб оқиб тур,
Е гүркираб ёниб кет!

БИР КАМ ДҮНЁ

Унда ҳамма нарса: амал, дунё бор,
Истагани доим мұхайё.
Үнгу сўли тўла дўсту ёр,
Қилишади айтганин бажо.

Қайга қўлин чўзса етади,
Қайга борса йўллари очик.
Ҳар кимга ҳам сўзи ўтади,
Қадамига мол-дунё сочик.

У йўқликни билмай яшар ҳеч,
Меъдаси тўқ, усти боши бут.
Ташвиши йўқ юрар эрта-кеч,
Катта унда пул ҳам кўру кут.

Аммо дүнё ҳамиша бир кам,
У ҳам асли мұхтож бир одам.
Үнда ҳамма нарса бўлса ҳам,
Фақатгина битта поклик кам..

ВАТАН

1

Ватан каби мүшфиқ бир она йўқдир,
Ватандек мүқаддас ғамхона йўқдир.
Ҳатто барча тиллар, сўзлар ичидা
Ватан сўзи каби дурдона йўқдир.

2

Ватан бу бир дилбар ширин ғазалдир,
Уни ёд этмоқлик фарзи азалдир.
Ватанин севмоқлик түгул ҳаттоки,
Уни ўйламоқлик ўзи гўзалдир.

3

Умримизга ҳамхона ватан,
Тўйхонаю майхона ватан.
Дардларингни олай танамга,
Фарзандингман мардана ватан.

4

Энг буюк баҳт Ватанин озод кўрмок,
Элни хуррам, фарогатли, шод кўрмок.
МУСТАҚИЛЛИК УЧУН БАХШ ЭТ УМРИНГНИ,
Максад бўлса Ватанин обод кўрмок.

ШЕРРИМ

Күнлар шеър билан ботди,
Тонглар шеър билан отди,
Шеърим мени үйготди,
Мен сени үйготурман.

Фикрим тиник, оқиндир,
Шеърим мисли чақиндир,
Ү қалбингга яқиндир,
Мен ҳам сенга яқинман.

Жуда узок үхладинг,
Дунё кутди, "ух"лади,
Вақт отини чухлоди,
Зерикиб уфладим ман.

Ҳаёлларим елгандир,
Тарих унга елкандир,
Үйгон, вақти келгандир.
Үйготгани келдим ман...

1990.

МУНДАРИЖА

ДАВЛАТИМ

Қасида.....	4
Юртбошим.....	8
Ўзбек тили. Мувашшах.....	9

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ТАЛАБАЛАРИ ШЕЪРЛАРИ

1. Тақдимот.....	11
2. Ассалом, лицей!.....	11
3. Президент Ислом Каримовга.....	12
Эрка вилоят.....	13
Дарвоза.....	14

ИСТИҚЛОЛ ОНИНГ КЕЛДИ

Қаддингни кўтар халқим.....	16
Бедорлигим.....	17
Келибсиз.....	18
Дилором айлаб.....	19
Манфаат бўлса.....	19
Эл дардини ҳис қилмаса.....	21
Хаёл.....	22
Ойдин кеча.....	23
Қўрармиз.....	23
Нафис, Нафис.....	24
Инсон гўзал.....	25
Эй дўст!	26
Қарз этмиш.....	27
Қийин.....	28
Ажрама.....	29
Синглим.....	30
Азал.....	31
Дилдорроқ.....	32

ТУРКИСТОН ҚҰШИГИ

Үйна, қувон эй дил.....	34
Туркистон.....	34
Туркистонни туғилмаган үғиллари.....	35
Қозоғим.....	36
Қирғиз қызыға.(ҳазил).....	38
Соғуний.....	39
Дунгандар фожиаси.....	42

ҮЗГАН ДАФТАРИ

1.Қора юзликлар.....	48
2.Разолат.....	49
3.Илон удуми.....	50
4.Алпомишлиар қайдасиз?.....	51
5.Бизлар бир дарахтнинг илдизларимиз.....	52

ҚАЛБ МАНЗАРАЛАРИ

Мұхаббат.....	54
Қайларга кетдинг.....	54
Севги армони.....	55
Мактуб.....	56
Оғажий.....	57
Хавас (Усмон Носирга).....	58
Юлдуз учди.....	59
Бир зәгулик сездим.....	59
Эң гүзәл гул.....	60
Хақиқат.....	62
Одам ва олам.....	63
Инсон	64
Умр.(сонет).....	64
Фикр.(сонет).....	65
Ажабланма.....	66
Таассурот.....	67
Зилзила.....	68
Лас Вегасда бўлган ҳодиса.....	69
Мурувват (Сарвар Азимовга).....	71

Ҳинд куйи.....	72
Таъма.....	73
Худбин.....	74
Шералига.....	74
Мағлуб ҳаёли.....	75
Тамға.....	76
Чўлпон.....	77
Дарёнинг тоши (Онам Фотимахонга).....	77
Наманганнинг чинорлари бор.....	78
Қора ҳижоб.....	80
Фардлар.....	80
Рубоий.....	81
Туюқ.....	81
Зиёрат қилдингми онанг қабрини.....	81
Бедорлик ҳақида.....	82
Тұртлайлар.....	83
Нурчиларга.....	84
Шоир.....	85
Ҳаё дедим.....	86
Шовотли қиз.....	87
Ажаб дунё экан.....	88
Тажковуз.....	88
Умрингни шиддаткор эт.....	90
Бир кам дунё.....	90
Ватан.....	91
Шеърим.....	92



Китобни нашр этишга ҳомийлик қилган
Ўзбекистон Республикаси Миллий Банки Наманган
вилояти бўлими, Наманган “коммунал комплект”
корхонаси, Учқўргон ёғ заводи очиқ турдаги
ҳиссадорлик жамияти жамоаларига самимий
миннатдорчилик билдираман.

Муаллиф.

Абдулла ЖАЛИЛ

ҲАЁ ГАВҲАРИ
(Шеърлар)

Муҳаррир:	Э.Нурматов
Мусаввир:	П.Жалилов
Техмуҳаррир:	Ю.Самадов
Бадиий муҳаррир:	Н.Жабборов
Мусаҳҳих:	Қ.Тўрабоева

1999 йил 10.03.да теришга берилди. 1999 йил.8.09.да босишга рухсат этилди. Бичими 60x84, 1/32. Ҳажми 3 босма табоқ. Газета қоғозига оғсет усулида босилди. Адади 10000 нусха. 8354 - буюртма. Баҳоси келишилган нархда.

“Наманган” нашриёти (Наманган шаҳри,
Навоий кӯчаси, Матбуот уйи, 3 – қават)
компьютер марказида терилди ва
саҳифаланди.

Ибрат номли Наманган вилоят
босмахонаси (Наманган шаҳри, Навоий
кӯчаси, 36)да чоп этилди.

25619

to 2 2000A 1912

Mallard, A.

Vad, rabzapeu

~~cap~~

2000A 1912

2005

100c

100c

